


16
Абдурахим Эркаев

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ



АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ

Китоб маънавият масалаларини ўрганувчиларга илмий ва услубий ёрдам, қўлланма сифатида ёзилган. Унда муаллиф «Маънавият асослари»ни ўқув фани сифатида асослашга, унинг предмети, тадқиқот ва ўрганиш объектини, бошқа гуманитар фанлар билан алоқасини очиб беришга ҳаракат этган.

Китоб ўқувчилар, талабалар, маънавият ва маърифат иши билан бевосита шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир — С. Ш. Шермуҳамедов,
Ўзбекистон ФА академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби



256978

Э 4702620204-4 5 - 01
M25(04)-02

© «Маънавият», 2002

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ (Сўз боши ўрнида)

Мустақиллик йиллари жамиятимизда юз берган ўзгаришлар миллий ўзлигимизни англашни, миллий ғуруримизнинг ўсишини янги босқичга кўтарди. Энг аввало халқимиз миллий манфаатларини чуқурроқ ва кенгроқ тушуна бошлади. Биз ким эдик, нималарга эришдик ва қайси олий марраларга, мақсадларга интилмоқдамиз, деган саволлар жамият аъзолари аксариятининг ўй-хаёлидан мустақкам ўрин олди. Миллат тақдири, мамлакат келажаги масалалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётир, ҳамма уларга ўзича жавоб излаётир, десак муболага бўлмайди.

Айниқса, халқнинг олий мақсадларини, орзу-истакларини, ижтимоий мўлжалларини мужассам акс эттирадиган, уларга эришиш йўлларини асослаб жамиятни бирлаштирадиган, унинг куч-ғайратларини сафарбар этадиган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ягона умумий концепциясини яратиш юзасидан қилинаётган ишлар, чоп этилаётган рисоалар, мақолалар миллий ўзлигимизни англашни янада кучайтирмоқда.

Миллий ўзликни англашнинг ўсиши маънавият масалаларини ўрганишнинг ҳам, тарбия борасидаги амалий ишларимизнинг ҳам сифатига янги юксак талаблар қўймоқда. Бу талаблар 2000 йил 6 апрел куни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси масалаларига бағишланган йиғилишда ва 8 июн «Fidokor» газетаси мухбири саволига берган жавобларида Президент И. Каримов олға сурган фикрлар ва белгилаган вазифалардан келиб чиқади.

Энг аввало Президентимизнинг миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак, деган хулосалари диққатга сазовор.

Демократик, ҳуқуқий давлатда бирорта синфнинг, сиёсий партиянинг ёхуд диний конфессиянинг мафкураси

расмий давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки расмий мафкура юридик мақомга эга бўлади ва бошқа мафкураларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. Натижада тафаккур эркинлигига, ғоялар рақобатига, баҳсига путур етади, догматизм ва мутаассибликка йўл очилади, маънавий турғунлик бошланади.

Фақат тоталитар ва теократик (диний бошқарувга асосланган) давлатларда расмий мафкура бўлади.

Халқимиз тарихий тараққиётининг, маънавий юксалишининг энг ёрқин саҳифалари мафкуравий ранг-баранглик ҳукм сурган ёки илк ислом даврида мафкуравий мутаассиблик қарор топмаган замонларга (IX—XV асрлар) тўғри келади.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг давлат мафкураси эмаслигини таъкидлаш жоиз. **Биринчидан**, уларнинг юридик мақоми, ҳуқуқий кафолатлари йўқ, ҳаммага бирдай мажбурий эмас. Улар жамият аъзолари томонидан, ахлоқ меъёрлари каби, ихтиёрий қабул қилинади. Иккинчидан, улар жамият аъзоларининг бир қисми, бирор синфи, табақаси, ижтимоий қатлами, ҳатто бирор-бир миллатининг тор манфаатларини акс эттирмайди. Балки умумхалқ, умуммиллат (Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг) манфаатларини, мамлакатимизда янги қурилаётган эркин, демократик, фуқаровий жамият манфаатларини ифодалайди. У тор синфий, партиявий ёки этник мазмун касб этмайди ва мамлакатимиз Конституциясининг 12-моддасига зид келмайди. Шу боис миллий мафкурани шаклланаётган фуқаровий жамият мафкураси дейиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг миллий истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида нафақат мураккаб иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал қилишига тўғри келмоқда. Шунингдек, тараққиёт йўналишини танлаш, қурилажак жамиятнинг мазмун-моҳияти, ташкилий ва бошқарув тамойиллари, жамият ва инсон муносабатлари қандай бўлиши лозимлиги масаласини халққа тушунтириш, турли ёт, сохта, баъзан эса очикчасига қолақ, реакцион қарашлардан уни ҳимоя қилишга зарурат туғилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, муҳолифларимизнинг «**енг ёвуз курули — миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим**